



**КОМПАНИЯЛАР ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ ОРҚАЛИ  
ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ НАТИЖАВИЙЛИГИНИ ОШИРИШ**

**Курбанов Хайрилла Абдурасулович -**

*ТДИУ и.ф.н., доцент*

**Карлибаева Рая Хожбаевна -**

*ТДИУ и.ф.д., проф*

**Шомансурова Зилола Абдувахитовна -**

*ТДИУ катта ўқитувчи*

 [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a12](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a12)

**Аннотация.** Янги инновацион товарлар ишлаб чиқарилиши бозордаги сегментларни кенгайтириш орқали товарлар реализациясини тезлаштириш масаласи, ишбилармон фаоллик индексини ортиши натижасида корхонанинг бозор қиматини максималлаштиришга шарт-шароит яратади. Акциядорлик жамиятларида инновацион лойиҳаларни самарали амалга ошириш давлат томонидан инновацион лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш сисъати бўйича илмий-услубий ва амалий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** инновацион лойиҳа, капитал, компания, молиявий ресурслар, илмий техник тараққиёт, илмий салоҳият, иқтисодий самарадорлик, технология, бошқарув, ахборотресурслари, стратегия.

**ПОВЫШЕНИЕ РЕЗУЛЬТАТИВНОСТИ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПУТЕМ  
ОЦЕНКИ ИННОВАЦИОННОГО ПОТЕНЦИАЛА КОМПАНИЙ**

**Курбанов Хайрилла Абдурасулович -**

*к.э.н., доцент, ТГЭУ*

**Карлибаева Рая Хожбаевна -**

*д.э.н., проф. ТГЭУ*

**Шомансурова Зилола Абдувахитовна -**

*старший преподаватель ТГЭУ*

**Аннотация.** Вопрос ускорения реализации товаров за счет расширения рыночных сегментов производства новых инновационных товаров создаст условия для максимизации рыночной стоимости предприятия в результате повышения индекса деловой активности. Эффективная реализация инновационных проектов в акционерных обществах дает научно-методические и практические предложения и рекомендации по политике финансовой поддержки инновационных проектов государством.

**Ключевые слова:** инновационный проект, капитал, компания, финансовые ресурсы, научно-техническое развитие, научный потенциал, экономическая эффективность, технология, управление, информационные ресурсы, стратегия.

**INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE ACTIVITIES BY EVALUATING  
THE INNOVATIVE POWER OF COMPANIES**

**Kurbonov Khayrilla Abdurasulovich**

*PhD (in economics), dotsent TSUE*

**Karlibaeva Raya Hojabaevna -**

*DSc (in economics), professor TSUE*

**Shomansurova Zilola Abduvaxitovna -**

*Senior teacher TSUE*

**Annotation.** The issue of accelerating the sale of goods by expanding the market segments for the production of new innovative goods will create conditions for maximizing the market value of the enterprise as a result of an increase in the business activity index. The effective implementation of innovative projects in joint-stock companies provides scientific, methodological and practical proposals and recommendations on the policy of financial support for innovative projects of the state.

**Keywords:** innovative project, capital, company, financial resources, scientific and technical development, scientific potential, economic efficiency, technology, management, information resources, strategy.

**Кириш.** Инновацион фаолият юқори амалиётда аналогичи мавжуд бўлмаган лойиҳалар реализация қилиш орқали паст эҳтимолдаги, лекин юқори даромадни кўзда тутувчи фаолият тури ҳисобланиб, лойиҳаларнинг самарадорлиги босқичма-босқич амалга ошириладиган вази-

фалар алгоритми орқали таъминланади. Айниқса, ҳали бозор тўйинмаган ва юқори капитал сиғимини талаб қилувчи лойиҳаларни амалга жорий этиш, уларнинг самарадорлигини ўрғаниш, илмий лойиҳаларни амалга оширишда

илмий салоҳиятга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

1. Тармоқ корхоналарида техник-иқтисодий асосланган лойиҳалар ва реализация қилиш учун зарурий илмий салоҳиятнинг мавжудлиги.

2. Компания фаолиятининг инновацион модернизациялашув даражаси.

3. Компаниянинг ишлаб чиқаришининг инновацион интенсивлашув даражаси.

4. Инновацион лойиҳани самарали реализация қилишни акциядорлик компаниялари молиявий салоҳиятнинг ортишига таъсири. Хусусан, фойдани тўпланиш даражаси бўйича ички молиялаштириш манбалари ҳисобига инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизмида ички потенциал манбаларнинг аҳамияти ортиши.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Қатор иқтисодчилар С.И.Кравченко, И.С.Кладченкин фикрича, инновацион фаолиятга оид ички салоҳиятни учун ушбу 2 категория, яъни “салоҳият” ва “инновация” категориялари моҳияти ва зарурлигини аниқ билиш лозим[1]. Иқтисодчи М.Н.Нечепуренко эса инновацион салоҳиятга инновацион жараёни амалга ошириш учун ташкиллаштириладиган “мавжуд омиллар ва шарт-шароитлар тизими” – деб тарифлайди [2].

Стив Жобс мавжуд янги ғоя ёки технологиянинг ўзи инновациягина эмас, балки у оддий инновацион салоҳият элементи, уни самарали реализация қилувчи ташкилий тизим орқали амалиётга жорий қилиш инновацион фаолият ҳисобланади. Масалан, россиялик иқтисодчи Д.И.Кокурин инновацион салоҳиятга иқтисодий субъектлар истиқболдаги мақсадларини рўёбга чиқариш бўйича тўпланган яширин ва фойдаланилмаган имкониятлар, деб таъриф беради[3].

Демак, бу фикрга кўра, инновацион салоҳиятнинг ресурс компоненти бўйича тўпланган ва фойдаланилмаган молиявий ресурслар акциядорлик жамиятларида олиб борилаётган инновацион фаолиятнинг асоси ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида корхоналари инновацион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ тизими муҳим роль уйнайди. Маҳаллий олимларимиздан бири С.А. Гиясовнинг илмий ишларида солиқ имтиёзлари маълум бир иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ёки унинг ривожланишига йўл очишда қўлланиладиган механизм ҳисобланади [4]. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида айрим фаолият турларини ривожлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари белгилади:

- илмий ишлар натижасида тижорат ишини йўлга қуйиш ва уни ривожлантириш мақсади ушбу фаолият турлари билан шуғулланувчи шахсларга солиқ тўловларини кечиктириш имтиёзи мавжуд;

- илмий ғоя асосида олиб борилган тижорат фаолиятдан олинadиган солиқлар бўйича солиқ юкини пасайтириш механикми қўлланилади.

Инновацион фаолиятни бошқаришга одатда сиёсатчилар, ҳукумат вакиллари, йирик тадбиркорлар жалб қилинадилар. АҚШда инновацион фаолиятни ривожлантириш давлат дастури қабул қилиниб, бир қанча ютуқларга эришилган. Маҳаллий олимларимиздан бўлган М.Н.Курбановнинг фикрича, йирик бизнес тармоқларига эга давлатларда илмий-инновацион фаолиятни олиб боришнинг учта модели мавжудлиги келтириб ўтилган: [5].

1) АҚШ, Англия, Франция мамлакатлари фан ва уни ишлаб чиқариш билан боғлашда йирик ютуқларга эга давлатлар ҳисобланади;

2) Германия, Швеция, Швейцария инновацион тадқиқотлар учун қулай муҳит яратишга молик давлатлар ҳисобланади.

Машҳур америкалик тадбиркор, жаҳон IT технологиялари бозоридаги етакчи инноватор Стив Жобснинг таъкидлашича, “Агар сизда янги ғоя ёки технология мавжуд. Ушбу ғоя ёки технологияларни компания фаолиятига жорий қилиш инновация ҳисобланади ва янги ғоя ёки технологияларни инновацияларга айлантириш кучли тартиб ва тизимли ҳаракатларни талаб қилади[5].

Инновацион салоҳиятни таъминлаш негизида унинг иқтисодий самарадорлиги ошириш масаласи қўлдаланг туради. Сабаби лойиҳалар бўйича иқтисодий самарадорлик ошиши корхоналарнинг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатади. Таниқли олимлар Т.Ю.Гораева, Л.К.Шамина инновацион лойиҳаларни баҳолашнинг учта кўрсаткичлари ўзида мужассамлаштирган интеграл баҳолаш тизимини тавсия қилганлар[6].


**Тадқиқот методологияси.** Акциядорлик жамиятларида инновацион фаолиятни бошқариш бўйича мавжуд илмий тадқиқотларни ўрганиш, илмий тарифларни қиёсий таққослаш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш, ижтимоий фикрлаш, илмий асослаш, статистик ва молиявий таҳлил, эксперт баҳолаш, ахборотни қайта ишлаш усулларида кенг фойдаланилган.

**Таҳлили ва натижалар.** Инновацион салоҳият, аввало, фаолиятга оид тўпланган тажриба асосидаги ички имконият, мавжуд ресурс имкониятлари ва қутилиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий самарадорликка олиб келиши лозим. Акциядорлик жамиятлари инновацион салоҳияти компонентларини кўриб ўтамиз. Акциядорлик жамиятлари инновацион салоҳиятига оид илмий қарашларни умумлаштириш натижасида унинг таркибий компонентларининг 3 элементини ажратиш тавсия этила-

ди (1-расм).

Акциядорлик жамиятлари инновацион салоҳиятига оид илмий қарашларни умумлаштириш натижасида унинг таркибий компонентларини қуйидаги элементларини ажратиш тавсия этилади: Салоҳиятнинг негизини ташкил қилувчи ҳар бир корхонада тадбиркорлик самарали фаолияти натижасида тўпланган ички имкониятлар. Ушбу имкониятлар қаторига, аввало, илмий тадқиқотлар ташкилий тизимини киришимиз мумкин. Бунда кўзда тутилаётган илмий тадқиқотлар ташкилий тизими ҳар бир акциядорлик жамияти фаолиятида илмий тад-

қиқотлар ва тажриба конструкторлик ишлари учун алоҳида команда мавжудлигини тасдиқлайди. Яъни янгилик ва янги моделларни доимий ўзлаштириб бориш билан боғлиқ фаолиятнинг умумий фаолиятдаги аҳамиятини тасдиқлайди. Ушбу ҳолат ҳар бир акциядорлик жамияти инновацион салоҳиятининг шаклланиши ва инновацион фаоллигини ифодаловчи асосий кўрсаткич умумумий йиллик бюджети харажатлари тизимида ИТТКИ ёки R&D замонавий моделидаги илмий тадқиқотларга ахратиладиган харажатлар улушининг қай даражадиги ҳам ҳисобланади.



1-расм. Акциядорлик жамиятлари инновацион салоҳиятининг таркибий компонентлари

Манба: Интернет манбалари асосида муаллифлар томонидан тизимлаштирилган.

Бу компонент иккинчи “ИТТКИ бўйича функционал” ва учинчи “ташкилий ва тўпланган тажриба” каби ички имкониятлар компонентлари билан узвий боғлиқликда шаклланиб боради. Инновацион фаолият бўйича тўпланган тажриба, аввало, ушбу фаолиятни тизимли йўлга қўйилганлиги ва функционал секциялар бўйича ваколатларнинг ўзаро тақсимот тизимини ўзида мужассамлаштирувчи яхлит ташкилий тизимга асосланишини тақозо қилади.

Инновацион салоҳиятда унинг ресурс компонентлари муҳим аҳамият касб этади. Одатда барча ишлаб чиқариш учун зарур ресурсларни: иқтисодий, технологик, молиявий ва инсон ресурслари каби туркумларга ажратиш тадқиқ қилиш қабул қилинган. Хусусан, акциядорлик жамиятларида мавжуд инновацион салоҳиятни ресурс компонентларига оид фикрларни умумлаштирган ҳолда уни таҳлил объекти сифатида

6 та асосий туркумга ажратиш тавсия этилади. Хусусан, мавжуд моддий теъниқ база ва иқтисодий ресурслар ҳар қандай корхонанинг иқтисодий ёки ишлаб чиқариш салоҳиятини ўзида мужассамлаштириб, янги технология ва ғояларни реализация қилиш ҳам ушбу ғоялар ёки технологиялар асосида ишлаб чиқариладиган янги товарлар учун ресурслар мавжудлигини баҳолаш муҳимдир.

Бундан ташқари, ахборот ресурслари ва илмий салоҳиятга эга кадрлар тизими ҳам инновацион салоҳият ва ундан самарали фойдаланиш натижасида инновациялар самарадорлиги учун муҳимдир. Инновацион салоҳиятнинг ресурс компонентларида ички молиявий ресурслар мавжудлиги ва миллий инновацион экотизим шароитида ташқи молиялаштириш манбалари мавжудлиги инновацион лойиҳаларни ҳаракатга келтирувчи асоси омил ҳисобланади. Агар бунда, Кобба Дугласнинг ишлаб чиқариш

функцияси модификацияси асосида макроиқтисодий муҳит учун Ромернинг [8] R&D замонавий илмий тадқиқотларга инвестициялар моделини яхлит микроиқтисодий тузилма сифатида корхона иқтисодиёти нуқтаи назардан кўриб ўтадиган бўлсак қуйидаги манзарани гувоҳи бўлишимиз мумкин:

$$Y = AK^\alpha L^{1-\alpha} \quad (1);$$

Ишлаб чиқариш масштаби доимий самардорлиги асосидаги даромадлиликка асосланган ушбу ишлаб чиқариш функциясида капитал илмий техник прогрессга асосланган лойиҳалар реализациясига асосланган инвестициялар ҳисобига ( $K^\beta$ ) унинг унумдорлигини ( $L$ ) ортиб бориш шартини қабул қилинади.

Агар,

$$A = K^\beta \quad (2)$$

Демак, ушбу ҳолатда ишлаб чиқариш функцияси масштаб бўйича ўсиб боровчи тавсифга эга бўлади.


$$Y = K^{\alpha+\beta} L^{1-\alpha} \quad (3)$$

Агар,  $\beta \leq 1$  R&D лойиҳаларга инвестициялар самарали ҳисобланади. Ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучининг ўсиши кузатилади.

Капиталнинг доимий ўсиши стационар ўсишни таъминлайди. Демак, стационар ўсиш шароитида лдаромад ва капитал бир суръатда ўсиб бориб, буни қуйидаги ифода орқали кўришимиз мумкин:

$$\dot{K} = sY - \delta K \cong \frac{\dot{K}}{K} = s \frac{Y}{K} - \delta \quad (4)$$

Демак, инновацияларни самарали реализация қилиш ҳисобига илмий-техник тараққиёт натижасидаги капитал ҳажми ошиши ( $\dot{K}$ ) ишлаб чиқаришнинг самарали фаолияти натижасидаги даромаднинг ички жамғариш нормаси ( $sY$ ) ҳисобига молиявий таъминланади. Капитал ҳажми ошишига манфий таъсир этувчи функция элементи ( $\delta K$ ) ёки ( $\delta$ ) асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш натижасидаги эскиришнинг қиймат ифодаси ҳисобланувчи амортизация ҳисобланади (2 расм).



2-расм. Компания инновацион салоҳият самарадорлиги кўрсаткичлари тизими  
Манба: Интернет манбалари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Ушбу гипотетик тарздаги назарий қарашлардан хулоса қилиш мумкинки, инновацион лойиҳаларни реализация қилишга йўналтирилган инвестициялар ишлаб чиқаришни интенсифлаштириш натижасида ялпи қўшилган қийматни ўсиши ҳисобига жамғарма меъёрларини ошириш орқали ички молиявий ресурсларни юқори тўпланишига ва охир оқибатда молиялаштиришнинг ички манбаларини юксалишини таъминлаш лозим.

Ушбу ҳолат ташқи молиялаштириш манбаларини жалб қилиш билан боғлиқ реализация қилинаётган инновацион лойиҳаларни жозибдорлигини оширишни таъминлайди. Инновацион лойиҳаларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Инновацион лойиҳаларини баҳолашнинг учта кўрсаткичлари мавжуд, булар фойдалилик; экспорт даражаси ва натижавийликни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, ушбу коэффициентлар инновацион ривожланишга оид рестроспектив кўрсаткичлар тизими асосида ҳисобланади.

Улар томонидан тавсия қилинган инновацион фаоллик натижадорлигининг интеграл кўрсаткичида ҳисобланган детерминантлар вазни бир ҳил аҳамиятлилигига асосланади.

Фикримизча, фойдалилик, экспорт салоҳиятига таъсири ва натижавийликни инновацияларнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги таъсири бўйича вазни иқтисодий ислохот-

лар талаблари асосида бир ҳил бўлмайди.

Маълумки, барча соҳаларда бўлгани каби акциядорлик жамиятлари стратегик ривожланишининг маълум йўналишлари бўйича ўрнатиладиган мақсадни рўёбга чиқаришга йўналтирилган оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш аввало маълум даражада мавжуд салоҳиятни теран баҳолаш ва ушбу салоҳиятни реализация қилиш натижасидаги эришиладиган самарадорликни солиштириш орқали амалга оширилади. Чунки ички салоҳиятнинг умуман мавжуд бўлмаслиги ҳар қандай фаолиятни ташкил қилиш мантиқига зид ҳолат ҳисобланади.

Шундай фаолият турларидан бири бўлган инновацион фаолиятни тўғри ташкил қилишга йўналтирилган бошқарув қарорларини қабул қилиш аввало, ҳар бир акциядорлик жамиятларида ички инновацион салоҳиятни баҳолаш ва ундан фойдаланиш натижасидаги динамик кўрсаткичларга асосланган соиштира таҳлиллар воситасида ташкил қилинади. Ушбу жараён мантиқий кетма кетлиги инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигининг муҳим омили эканлиги аксарият иқтисодчилар томонидан эътироф этилади[6].

Шунга асосланган ҳолда, ушбу кўрсаткичларнинг вазнига асосланган ҳолдаги корхоналарда инновацион салоҳият интеграл кўрсаткичи ( $I_{ins}$ ) тавсия этилади:

$$I_{ins} = K_{im} * \beta_{im} + K_{ii} * \beta_{ii} = \sum_{i=1}^n K_n * \beta_n \quad (5)$$

Бу ерда,  $\beta_n$ - ҳар бир инновацион салоҳият элементларининг умумий салоҳиятни аниқлашдаги вазни бўлиб,  $\beta_{im} + \beta_{ii} = 1$  шарт билан қабул қилинади.

2-расмга мувофиқ инновацион салоҳиятни баҳолашда Инновацион салоҳиятнинг модернизациялашув коэффициентлари 2 асосий кўрсаткич ҳисобига аниқланиб, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари учун ташкилий тузилмаларнинг мавжудлиги ва уларда банд бўлган ходимларнинг умумий ходимлардаги улуши орқали аниқланади. Шунингдек, иккинчи кўрсаткич сифатида акциядорлик ходимлари таркибида олий ва ўрта профессионал ходимлар сони орқали аниқланади.

Акциядорлик жамиятлари инновацион салоҳиятини баҳолашнинг иккинчи агрегатланган кўрсаткичи сифатида инновацион салоҳиятнинг интенсифлашув коэффициентлари сифатида интеллектуал мулклар билан таъминланганлик коэффициенти ҳисобланиб, ушбу коэффициент корхона актвлари таркибидаги номоддий активларни бошқа узоқ муддатли активларга нисбати орқали аниқланади. Ушбу коэффициентлардаги 2-расмга мувофиқ чегаравий

мезонлар акциядорлик жамиятлардаги ўртача даражага асосланиб, агар ушбу коэффициент акциядорлик жамиятлардаги ўртача 0,1-0,15 дан кичик бўлган инновацион салоҳиятнинг интенсифлашув кўрсаткичи бўйича кузатувчи тавсифидаги компания гуруҳига киритилади. Агар коэффициент ( $K_{im}$ ) 0,1-0,15 дан юқори бўлса, инновацион салоҳиятнинг интенсифлашув кўрсаткичи бўйича лидер корхоналар гуруҳига киритилади.

Янги технологияларни ўзлаштириш коэффициенти янги ўрнатилган асосий фондларни жами асосий фондлар қийматига нисбати орқали аниқланади. Ушбу ҳолат асосий фондлар билан қуролланганлик даражаси ва асосий фондларни янгиланиш даражасини ўзида ифодалайди. Янги маҳсулотни ўзлаштириш коэффициентини ҳисоблашда инновациялар реализацияси натижасида янги лойиҳалар ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот реализациясидан тушумни жами тушумдаги улуши орқали ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг 2-расмдаги чегаравий мезони сифатида Акциядорлик жамиятларидаги ўртача кўрсаткич мезонларига асосланади.

Инновацион салоҳиятда ҳар бир агрегатлашган кўраскичларнинг аҳамиятлилиги даражаси бўйича вазнлар яъни инновацион салоҳиятнинг модернизациялашув коэффициентлари, инновацион салоҳиятнинг интенсивлашув коэффициентлари  $\beta_{im} = 0,3$  ва  $\beta_{ii} = 0,7$  сифатида олинади. Чунки, инновацион салоҳиятнинг модернизациялашув коэффициентлари бўйича ходимларнинг маълумоти (олий ёки ўрта махсус) профессионал фаолият мобайнида уларнинг кўп йиллик тажрибаси ва малакасидан мутлақ устун бўла олмаслигини кўп йиллик амалий тажриба тасдиқлаган. Қолаверса, инновацион салоҳиятнинг интенсивлашув коэффициентлари реализация қилинган лойиҳаларнинг пировард сама-

радорлигининг реал натижасини ифодалайди. Шунинг уячун иккинчи агрегатлашган коэффициентлар кўрсаткичининг инновацион салоҳиятдаги салмоғи юқори бўлиши тасдиқланган.

Инновацион самарадорлигини интеграл кўрсаткичи ( $I_{ifs}$ ) 2 асосий кўрсаткичлардан ҳисобланиб, ишбилармон фаоллик кўрсаткичлари ва инновацион лойиҳалар самарадорлиги коэффициентларига асосланиб, уларнинг нисбати 0,5/0,5 бўлиши лозим. Чунки, молиявий менежментда ишбилармон фаоллик ва рентабеллик фаолият самарадорлигини сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолашда бир хил аҳамият касб этади.) кўпайтмасини йиғиндиси сифатида аниқланади.

$$I_{ifs} = K_{ifn} \times \beta_{ifn} + K_{imn} \times \beta_{imn} = \sum_{i=1}^n K_n \times \beta_n \quad (6)$$

Демак, ушбу кўрсаткич инновацион фаолият самарадорлик (натижавийлик) даражаси асосан иқтисодий ва молиявий самарадорлик мезонлари асосида ҳисобланади.

Инновацион ривожланиш коэффициенти ( $K_{id}$ ) жами инвестициялардаги инновацион лойиҳаларни реализация қилишга киритилган инновацион тавсифдаги инвестицияларнинг улуши орқали аниқланади. Ушбу коэффициентнинг чегаравий мезонлари ҳам 2-расмда ифодаланган бўлиб, акциядорлик жамиятларидаги ушбу коэффициентнинг ўртача кўрсаткичи 0,55-0,6 ни ташкил қилади. Демак, инновацион ривожланиш коэффициенти ( $K_{id}$ ) юқорида тилга олинган миқдор кўрсаткичлари мезонларидан паст бўлса, инвестицион фаолликнинг инновацион йўналтирилганлик кўрсаткичи бўйича таҳлил қилинаётган компания кузатувчи мақомига эга бўлиши мумкин. Аксинча, юқори кўрсаткич таҳлил қилинаётган компаниянинг ушбу фаолият бўйича лидер компания эканлигини тасдиқлайди.

Кейинги коэффициент илмий тадқиқотлар коэффициенти ( $K_i$ ) ҳисобланиб, ушбу коэффициент инновацион лойиҳалар реализацияси натижасидаги тушумнинг жами активларга нисбати орқали ифодланади. Ушбу коэффициент, аввало, инновациялар реализацияси натижасида акциядорлик компаниялари ишбилармон фаоллик индексининг ортишига таъсири баҳоланади. Ушбу коэффициентнинг динамик ўзгариши янги товарлар ва технологияларни амалиётга жорий қилиш натижасида товарлар (хизматлар) бозоридаги сегментларни кенгайтириш, рақобат позициясини мустаҳкамлаш имкониятлари баҳоланади.

Агар, юқоридаги коэффициент орқали умумий бозордаги рақобат имкониятларини баҳолаш имкониятларига эга бўлинса, иннова-

цион товарлар экспорти коэффициенти ( $K_{ex}$ ) орқали глобал рақобатбардошлик позициясини мустаҳкамланиш даражасини баҳолаш мумкин. Ушбу коэффициент умумий экспортдаги инновацион товарлар (хизматлар) экспорти улушини акс эттириб, динамик контекстда компания экспорт салоҳиятига инновацион лойиҳалар реализацияси натижасидаги янги технологиялар, товарлар (хизматлар) экспортининг таъсирини баҳолаш мумкин бўлади. Ушбу коэффициент бўйича 2-расмдаги ўртача чегаравий мезонлар 0,2-0,25 ни ташкил қилади. Инновациялар молиявий самарадорлиги коэффициенти ( $K_{imn}$ ) инновацион лойиҳаларга харажатлар рентабеллиги коэффициенти ( $K_{is}$ ) ва инновацион фаолият фойда нормаси коэффициенти ( $K_{if}$ ) ўртача арифметик йиғиндиси ҳисобига шакллантирилади. Инновацион лойиҳаларга харажатлар рентабеллиги коэффициенти ( $K_{is}$ ) лойиҳани реализация қилишдан олинган соф молиявий натижани лойиҳага қилинган жами харажатларга нисбати орқали аниқланади. Одатда инновацион лойиҳалар реализациясидан тушум инновацион товарлар (хизматлар) ҳаётий даврининг дастлабки босқичларида энг юқори даромад келтирса-да, ушбу лойиҳаларни реализация қилиш билан боғлиқ улкан харажатлар ушбу нисбий коэффициентни ўртача даражасини 0,2-0,25 диапазонида тебраниши нормал ҳолат бўлишини тасдиқлайди.

Инновацион фаолият фойда нормаси коэффициенти ( $K_{if}$ ) эса умумий фаолият фойдасидаги янги лойиҳалардан фойданинг таъсир импульсини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич инновацион корхона тушунчасига хос акциядорлик жамиятларида юқори кўрсаткични ташкил қилади. Лекин ўртача меъёрда инновацион компанияларда 0,3-0,35 диапазонида тебраниши аниқланган.


“Дори дармон” компанияда инновацион салоҳият кўрсаткичлари тизими

№	Кўрсаткичлар	Формула	2017	2018	2019	2020
<b>Инновацион салоҳиятнинг модернизациялашув коэффиценти</b>						
1.1	ИТТКР билан банд бўлган персоналлар улуши коэффиценти ( $K_p$ )	$K_p = X_{iti}/X_j$	0,02	0,02	0,04	0,05
1.2	Персоналлар саводхонлиги коэффиценти ( $K_s$ )	$K_s = X_{o'm}/X_j$	0,51	0,64	0,57	0,59
	$K_{im}$	$K_{im} = (K_p + K_s)/2$	0,265	0,33	0,305	0,32
<b>Инновацион салоҳиятнинг интенсивлашув коэффиценти</b>						
2.1	Интеллектуал мулклар билан таъминланганлик коэффиценти ( $K_{im}$ )	$K_{im} = A_{nm}/A_{um}$	0,001	0,001	0,002	0,001
2.2	Янги технологияларни ўзлаштириш коэффиценти ( $K_{yt}$ )	$K_{yt} = A\Phi_{yo}/A\Phi_{yq}$	0,017	0	0,01	0,01
2.3	Янги маҳсулотни ўзлаштириш коэффиценти ( $K_{ym}$ )	$K_{ym} = T_{yl}/T_{jy}$	0,02	0,001	0,01	0,021
	$K_{ii}$	$K_{ii} = (K_{im} + K_{yt} + K_{ym})/3$	0,013	0,001	0,007	0,011
<b>Инновацияларнинг ишбилармон фаоллик самарадорлиги коэффиценти</b>						
3.1	Инновацион ривожланиш коэффиценти ( $K_{id}$ )	$K_{id} = I_{yi}/I_j$	0,21	0,19	0,28	0,24
3.2	Илмий тадқиқотлар коэффиценти ( $K_i$ )	$K_i = T_{umu}/A_j$	0,09	0,12	0,15	0,11
3.3	Инновацион товарлар экспорти коэффиценти ( $K_{ex}$ )	$K_{ex} = EX_{im}/EX_j$	0,14	0,17	0,15	0,26
	$K_{ijn}$	$K_{ijn} = (K_{id} + K_i + K_{ex})/3$	0,147	0,160	0,193	0,203
<b>Инновациялар молиявий самарадорлиги коэффиценти</b>						
3.3	Инновацион лойиҳаларга харажатлар рентабеллиги коэффиценти ( $K_{is}$ )	$K_{is} = \Phi_{il}/IX_j$	0,017	0,15	0,21	0,27
3.4	Инновацион фаолият фойда нормаси коэффиценти ( $K_{if}$ )	$K_{if} = \Phi_{il}/\Phi_j$	0,053	0,047	0,062	0,19
	$K_{imn}$	$K_{imn} = (K_{is} + K_{if})/2$	0,035	0,0985	0,136	0,23

Манба: “Дори дармон” акциядорлик жамияти йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилган.

Юқоридаги жадвалда “Дори-дармон” компаниясида инновацион салоҳият ва унинг самарадорлик кўрсаткичлари бўйича маҳсулотлар берилган. “Дори-дармон” компаниясида инновацион салоҳиятнинг модернизациялашув коэффиценти 2017 йилда 0,265 ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2020 йилга келиб 0,32 га кўпайган. Бунда юқори вазн асосан персонал (ходимлар)нинг саводхонлигини ошириш бўйича кадрлар сиёсатига тўғри келмоқда. Лекин умумий контекстда акциядорлик жамиятлари ўртача кўрсаткичларига нисбатан олинганда илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик (ИТТКИ) фаолияти билан банд бўлган ходимлар улуши паст кўрсаткичга эга бўлган.

Инновацион салоҳиятнинг интенсивлашув коэффиценти 2017 йилда 0,013 ни, 2020 йилга келиб эса 0,011 ни ташкил қилган. Ушбу коэффицентда пасайиш қузатилган бўлиб, компанияда интеллектуал мулкларнинг деярли мавжуд эмаслигини тасдиқлайди. Янги маҳсулотларни ўзлаштириш коэффицентини эса 2020 йилда 0,21 га ошиб бориб, янги дори товарларини ўзлаштириш ҳисобига сотиш сиёсатини тезлаштириш имкониятларига эга бўлган. Демак, ушбу кўрсаткичлардан хулоса қилиш мумкинки, акциядорлик жамиятлари инновацион лойиҳаларни жорий этишда ташқи манбаларга эътиборни кўпроқ қаратиш ҳисобига таъминлаган.



3-расм. “Дори-дармон” компаниясида инновацион салоҳият ва инновацион фаолият самарадорлиги интеграл кўрсаткичлари динамикаси

Манба: “Дори дармон” акциядорлик жамияти йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилган.

Инновацияларнинг ишбилармон фаоллик самарадорлиги коэффицентида эса 2017-20 йилларда ижобий ўзгариш кузатилган. Хусусан, 2017 йилда ушбу коэффицент 0,147 ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб, 0,203 га етган. Ушбу ўсиш асосан инновацион товарлар экспорти коэффиценти (2020 йилда 0,26) тўғри келган. Шунингдек, кейинги йилларда компания инвестиция сиёсатида янги инновацион лойиҳаларни ўзлаштиришга эътибор қаратилган (0,24).

Инновациялар молиявий самарадорлиги коэффиценти 2017 йилда 0,035 ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб, ушбу агрегатлашган коэффицент 0,23 ни ташкил қилган. Ушбу агрегатлашган коэффицент ошишида инновацион лойиҳаларга харажатлар рентабеллиги коэффиценти (0,27) асосий таъсир этувчи омил сифатида хизмат қилган.

3-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, инновацион фаолият самарадорлигини интеграл кўрсаткичи  $I_{fs}$  тез ўсиш суръатини таъминлаб, 2017 йилда 0,091 ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2020 йилга келиб, 0,217 ни ташкил қилган.

Ҳисобланган акциядорлик жамиятларига нисбатан ўртачадан паст кўрсаткич бўлса-да, мавжуд инвестицион салоҳиятдан фойдаланиш интеграл кўрсаткичининг ( $I_{ins}$ ) нисбатан паст даражасида (2017 йилда-0,088; 2020 йилда-0,103) инновацион фаолият самарадорлигининг юқори кўрсаткичи истиқболда инвестицион салоҳиятдан фойдаланиш кўрсаткичларини оширишга йўналтирилган ислохотлар олиб борилишини иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди. Чунки, салоҳиятдан фойдаланишнинг паст кўрсаткичида инновацион фаолият юқори мультипликатив самарадорликка эга бўлмоқда. (7)

**Хулоса ва таклифлар.** Акциядорлик жамиятларда инновацион фаолиятни ривожлантириш орқали ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан модернизациялаш имкониятлари рўйбга чиқарилади. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш қуйидаги стратегик мақсадларни реализация қилишга шарт-шароит яратади:

- ишлаб чиқариш жараёнидаги қўшилган қиймат занжирида таннарх ва давр харажатларини иқтисод қилиш, молиявий эксплуатацион эҳтиёжларни оптималлаштириш орқали молиявий харажатларни минималлаштириш пировардида фойдани максималлаштириш орқали рентабеллик кўрсаткичларини барқарорлаштириш учун шарт-шароит яратади;

- янги инновацион товарлар ишлаб чиқарилиши бозордаги сегментларни кенгайтириш орқали товарлар реализациясини тезлаш-

тиради, ишбилармон фаоллик индексини орттириш натижасида корхонанинг бозор қиматини максималлаштиришга шарт-шароит яратади. Акциядорлик жамиятларида инновацион лойиҳаларни самарали амалга ошириш давлат томонидан инновацион лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш сиёсатида боғлиқдир.

Акциядорлик жамиятлари тақдим этилган инновацион лойиҳаларни амалга оширишда унинг ижтимоий-иқтисодий муҳимлигига эътиборни қаратиш лозим. Агар инновацион лойиҳалар бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириш кўзда тутилган бўлса, унда ушбу жараёни конкурс асосида молиялаштириш мақсадга мувофиқ. Инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бюджетдан ташқари фондларига ҳисобига ҳам молиялаштирилган кўзда тутилади.

Келажакда инновацияларга молиялаштиришга муносабатни ўзгартириш ва венчурли молиялаштиришни йўлга қўйиш ва венчур корхоналар фаолиятини ривожлантириш долзарб бўлмоқда, чунки инновацион лойиҳаларнинг кичик бир қисми улкан муваффақият билан яқунланиши мумкин. Давлат грантларини жорий этишда ва уни амалга оширишда бюрократия даражасини пасайтириш инновацияларни ривожлантириш учун маблағларни жалб қилиш жараёнини соддалаштириш муҳим ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларида инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг самарали механизмини яратиш, акциядорлик жамиятларнинг инқироз ҳолатидан чиқиш йўлини инновацион фаолиятни ривожлантириш асосида бозор талабларига жавоб берадиган янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш орқали таъминлаш лозим. Акциядорлик жамиятлари инновацион салоҳиятига оид илмий қарашларни умумлаштириш натижасида унинг таркибий компонентларини қуйидаги элементларини ажратиш тавсия этилди:

**биринчиси,** инновацион салоҳиятнинг негизини ташкил қилувчи ҳар бир корхонада тадбиркорлик самарали фаолияти натижасида тўпланган ички имкониятлар. Ушбу компонентнинг

**иккинчи** элементи “ИТТКИ бўйича функционал”

**учинчи элемент** “ташкилий ва тўпланган тажриба” каби ички имкониятлар компонентлари билан узвий боғлиқликда шаклланиб боради. Инновацион фаолият бўйича тўпланган тажриба, аввало, ушбу фаолият тизимли йўлга қўйилганлиги ва функционал секциялар бўйича ваколатларнинг ўзаро тақсимот тизимини ўзида мужассамлаштирувчи яхлит ташкилий тизимга асосланишини тақозо қилади.



**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Кравченко С.И., Кладченко И.С. Исследование сущности инновационного потенциала. // Научные труды Донецкого национального технического университета. Серия экономическая. – Донецк: ДонНТУ. 2003. Вып. 68. 39 б.
2. Нечепуренко, М.Н. Организационно-экономический механизм управления устойчивым развитием предприятия на основе инновационной активности / М.Н. Нечепуренко // Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М., 2006. 19 с.
3. Кокурин Д.И. Инновационная деятельность / Д.И. Кокурин. – М.: Экзамен, 2001.
4. Гиясов С.А. Инновацион фаолиятни ривожлантиришда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш.// "Молия ва банк иши" электрон илмий журнали. №6 сон. ноябрь-декабрь, 2019й. 172-182-б.
5. <http://www.lookatme.ru/flow/posts/gadgets-radar/138693-top-5-vyskazyvaniy-stiva-dzhobsa-ob-innovatsiyah-2011-09-21>.
6. Горавева Т.Ю., Шамина Л.К. Методика мониторинга и оценки инновационной деятельности предприятия. // Научно-технические ведомости СПбГПУ // Экономические науки. № 3(221) 2015.
7. "Дори-дармон" акциядорлик жамияти йиллик молиявий ҳисоботлари.
8. Romer P. (1987). Growth Based on Increasing Returns Due to Specialization. American Economic Review, Vol. 77, No. 2, pp. 56—62.



[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a13](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a13)

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA XORIJIY INVESTITSİYALAR VA BANDLIK MUAMMOLARI**

**Nadirhanov Ubaydulla Sabirovich -**  
i.f.n., dots., Toshkent davlat transport universiteti,  
"Transport iqtisodiyoti" kafedrasi dotsenti

**Аннотация.** O'zbekiston Respublikasi tarixan yuqori demografik ko'rsatkichlari bilan ajralib turadi. 1990-2020-yillarda tug'ilishning nisbatan qisqarishiga qaramay, respublikada, umuman olganda, aholi sonining o'sishida ijobiy tendentsiyalar kuzatilmoqda. Shunday qilib, respublika aholisi 2000-yildagi 24 591 900 kishidan 2021-yilda 34 036 800 kishiga ko'paydi. Shu munosabat bilan mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor vazifalaridan biri – milliy va hududiy rivojlanish dasturlarida markaziy o'rinni egallagan ish o'rinlarini yaratish va ularning sonini ko'paytirish hamda tobora ko'payib borayotgan aholi bandligini ta'minlashdan iborat. Muallif ushbu muammoni hal qilishda xorijiy kapitalning imkoniyatlari va rolini ko'rib chiqadi.

**Калит so'zlar:** ish o'rinlar, bandlik, xorijiy investitsiyalar, to'g'rodan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar, xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalar, qo'shma korxonalar, xorijiy korxonalar.

**ИНОСТРАННЫЕ ИНВЕСТИЦИИ И ВОПРОСЫ ЗАНЯТОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

**Надирханов Убайдулла Сабирович -**  
к.э.н., доцент, кафедра "Транспортная экономика",  
Ташкентский государственный транспортный университет

**Аннотация.** Республика Узбекистан исторически отличается высокими демографическими показателями. Несмотря на относительное снижение темпов рождаемости в течение 1990-2020 гг., в республике, в целом, наблюдаются положительные тенденции роста народонаселения. Так, население республики выросло с 24 591 900 в 2000 году до 34 036 800 человек в 2021 году. В связи с этим, одной из приоритетных задач социально-экономического развития страны является создание и увеличение числа рабочих мест и обеспечение занятости растущего числа населения, которые занимают центральное место национальной и региональных программах развития. Автор рассматривает возможности и роль иностранного капитала в решении этой задачи.

**Ключевые слова:** рабочие места, занятость, иностранные инвестиции, прямые иностранные инвестиции (ПИИ), предприятия с участием иностранного капитала (ПУИК), совместные предприятия (СП), иностранные предприятия (ИП).

**FOREIGN INVESTMENTS AND EMPLOYMENT PROBLEMS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**Nadirkhanov Ubaydulla Sabirovich -**  
Dr.PhD, Tashkent state transport university,  
"Transport economy" chair, Associate professor

**Resume.** The Republic of Uzbekistan is historically distinguished by high demographic indicators. Despite the relative decline in the birth rate during 1990-2020-th, in the republic, in general, there are positive trends in population growth. Thus, the population of the republic has grown from 24,591,900 in 2000 to 34,036,800 people in 2021. In this regard, one of the priority tasks of the country's socio-economic development is the creation and increase in the number of jobs and employment of a growing number of the population, which occupy a central place in national and regional development programs. The author examines the possibilities and role of foreign capital in solving this problem.

**Key words:** jobs, employment, foreign investments, foreign direct investment (FDI) foreign invested enterprises (FEE), joint ventures (JV), wholly owned foreign enterprises (WOFE).